

Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 апрель куни Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Че Ёнг Хани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистондаги фаолиятига юқори баҳо берар экан, Жанубий Кореяни ҳеч бир муболағасиз мамлакатимизнинг энг кучли ва салмоқли иқтисодий ҳамкори, дейиш мумкинлигини таъкидлади.

— Бунга ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўламига қараб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин, — деди Ислом Каримов. — Албатта, Жануби-шарқий Осиё минтақасида юз берган иқтисодий инқироз туфайли сўнгги вақтларда Корея Республикасида ҳам айрим муаммолар вужудга келди. Лекин бугунги кунда мамлакатингизда инқироз асоратлари тугаб бораётганини кузатмоқдамиз. Миллий валюта қадри мустаҳкамланмоқда, бошқа кўрсаткичларда ҳам ижобий силжишларга эришилмоқда.

Корея Республикаси, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг энг салмоқли иқтисодий ҳамкоридир. Икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига етти, Тошкентда Жанубий Корея элчихонаси очилганига эса беш йил тўлган эса-да, ҳозирги кунда Ўзбекистонда юздан ортиқ корейс фирма ва компанияси фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «ЎзДЭУавто» сингари кўплаб қўшма корхоналар, йирик компанияларнинг ваколатхоналарини санаш мумкин.

Че Ёнг Ха самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатида юз бераётган ўзгаришлар, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган таклиф-мулоҳазаларини баён қилди.

Суҳбат чоғида икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА)* олган сурат

«Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда»

«Ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрга тобора яқинлаштирмоқда.

Шу муносабат билан «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида бўлмоғи лозим?» деган саволларга жавоб излашга тўғри келади».

Президентимиз Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида таъкидланган бу сўзларнинг заминида нақадар катта маъно, улкан вазифалар жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти ана шу маърузани тўлалигича «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номи билан ўзбек ва рус тилларида кўпминг нусхада нашрдан чиқарди. Уни ижарадаги Тошкент матбаа комбинати чоп этди.

Дарҳақиқат, йўлбошчимизнинг ғоят катта аҳамиятга молик маърузасида илгари сурилган ғоялар — ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, янгиланаётган жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмушини янада эркинлаштириш, мустақил мамлакатимизнинг XXI аср бўсағаси ва янги аср бошларидаги ривожланиш истиқболлари Дастури ҳамда устувор йўналишлари долзарб масалалардир.

Йўлбошчимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китоби ўз кўлами, мазмун-мундарижаси жиҳатидан талабадан тортиб турли бўғиндаги раҳбарларгача муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 22 апрель, пайшанба • № 48 (24.443).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Милош ЗЕМАН: «Самарқанд жамоли мени мафтун этди»

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан 21 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Сўлтонов ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган шаҳар аэропортида меҳмонларни вилоят ҳокими Э.Рўзиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Меҳмонларнинг Самарқанд билан танишуви буюк олим ва мунажжим Мирзо Улуғбекнинг расадхонаси ва хотира музейини кўздан кечириш билан бошланди.Чехия ҳукумати аъзолари бу ердаги ўрта асрга мансуб экспонатлар, тарихий қўлёзмалар ва бошқа маданий-илмий мерос намуналарини катта қизиқиш билан томоша қилди.Шарқнинг ўзига хос осори атиқаси — Шоҳизинда мажмуи ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.Чехия Бош вазири ва унга ҳамроҳлик қилувчи делегация аъзолари «Сиёб деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, ўлкамизнинг нознеъматлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан татиб кўрди.Бибихоним масжиди, Регистон мажмуи, Гўри Амир мақбарасига ташриф давомида меҳмонлар ҳайратини яшира олмади.Улар бир-биридан мафтункор ва жозибадор обидаларни яратган аждодларимиз шаънига тасанно айтиш билан бирга, бу иншоотларга «иккинчи умр» бағишлаётган, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаётган халқимизга миннатдорлик билдирди.

— Ўзбекистон — Чехия ҳамкорлиги янги юксалиш босқичига кўтарилмоқда, — деди Бош вазир Милош Земан ЎзА мухбирига берган интервьюсида.— Барча соҳалардаги икки томонлама алоқаларимиз кўлами ҳам кенгаймоқда:Самарқандга илк бор келишим. Зиёратимиз ниҳоятда мазмунли ўтаётганидан хурсандман. Қадимий диёрдаги бир-биридан мафтункор, жозибадор ёдгорликлардан олган таассуротларим жуда чексиз.Самарқанд жамоли мени мафтун этди.

М.Земан ва унга ҳамроҳлик қилаётган меҳмонлар «ЎзБАТ ҳиссадорлик жамияти» қўшма корхонасининг Самарқанд сигарет фабрикаси ҳамда «Самарқанд-Прага ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.Корхоналардаги илғор технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёни, цехлардаги тартиб ва озодалик уларга жуда манзур бўлди.

Чехия Бош вазири «Пульсар» концернининг муҳташам қаҳвахонаси очилиш маросимида ҳам қатнашди.

Шу куни Чехия Республикаси Бош вазири М.Земаннинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбири

Телемарафон ўтказилди

Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар ва туманлар, овулларда бу йил биринчи марта ўтказилаётган Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ тадбири сифатида нишонлаш учун тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди. Урушда ҳалок бўлганларнинг номини абадийлаштириш мақсадида Хотира майдонида махсус комплекс қурилиши тезкорлик билан давом эттирилмоқда. Сахий корхонаю идоралар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор ўқитувчилари-ю талабалари, хуллас, бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган барча инсонлар ўз хайр-саховат маблағларини банкка ўтказмоқдалар.

Хусусан, яқинда Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театрида телемарафон ўтказилди. Ундан тушган бир ярим миллион сўмдан кўпроқ пул ҳам комплекс қурилиши жамғармасига ўтказилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Шўрхок ерлар учун махсус бетон

Шўртупроқ нафақат темир ё бошқа бир нарсани, балки бетонни ҳам емириб юборади. Буни Орол бўйи ва водийдагилар ҳамда республика олимлари яхши билишади. Шунинг учун ҳам Фарғона политехника институти олимлари иссиқ ва қуруқ иқлимли ҳамда шўрхок ерларда ишлатиладиган махсус бетон қоришмаси яратишди.

Янги қоришма юқори молекулали ёғ аралашмали кислоталар, АЦФ елими, шлак тўлдирувчи моддалар қўшилган ҳолда тайёрланди. Бу бетон Орол бўйи минтақалари ва Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани шўрхок ерларидаги қурилишларда синаб ҳам кўрилди. Натижа муваффақиятли чиқди.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Ўқувчилар Руминияда куч синашади

Мустақиллик шарофати ила иқтидорлилар булоғининг кўзи очилди. Тиришқоқ ёшларимиз чуқур билим ва истеъдоди билан халқаро майдонга чиқиб бормоқда.

Гап шундаки, ёш математикларимиз терма жамоаси шу йил 13-18 июль кунлари Руминия пойтахти Бухарест шаҳрида бўлиб ўтадиган 40-Халқаро математика олимпиадасида қатнашадиган бўлишди.

Халқаро мусобақада қатнашувчиларни белгилаш учун Тошкент Давлат университети қошидаги С. Сирожиддинов номли академик лицейда математиклар танлови ташкил этилди. Унда иштирок эттан —Қорақалпоғистон ва вилоятлар олимпиадалари ғолиблари бўлган 80 ўқувчидан ўн нафар номзод саралаб олинди. Энди улар Руминияга боришади.

Алим БЕК

ХДП хабари

Аёл ва жамият

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти «Аёл ва жамият» мавзусига бағишланди.

Машғулотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова маруза қилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳамда уларга қарашли шаҳар ва туманлар кенгашлари, республика хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, тегишли шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, партия марказий матбуот нашрлари журналистлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Газетада босилмади, аммо...

Ҳам лойиҳалаш, ҳам қурилиш ишлари бошланди

Боғот тумани ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасига журналист Эрпўлат Бахт томонидан ёзилган «Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақовнинг болалари совқотмоқда» дея номланган хатига жавобан қуйидагиларни ёзиб маълум қилади:

Ҳақиқатан ҳам хатда ёзилган гаплар тўғри. Қипчоқ қишлоғи Хазорасп ва Боғот туманлари марказларидан энг узоқ масофада жойлашган бўлиб, газнинг энг охирги истеъмолчиси ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб Боғот тумани ҳокимлиги ва юқори ташкилотлар саъй-ҳаракати билан «Боғот» жамоа хўжалиги ва унинг бир участкаси бўлган «Қипчоқ» қишлоғи газ таъминотини яхшилаш мақсадида «Обод» участкасида янги газ тақсимлаш станцияси (Боғот—2 ГРСи) қурилди. Ундан чиқиб «Боғот» жамоа хўжалигигача борувчи 20 км. узунликдаги Д—273 мм. бўлган юқори босимда ишловчи газ қувури қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Ушбу қурилишларнинг баҳоси 250-280 млн. сўмга тенг. Унинг ярмини давлат маблағи ҳисобига ва ярмини жамоа хўжаликлари маблағи ҳисобига қуриш мўлжалланмоқда.

«Боғот» жамоа хўжалиги марказий қўрғонини «Қипчоқ» қишлоғи билан боғловчи 5 км. узунликдаги янги газ қувури қуришни «Боғот» жамоа хўжалиги ўз зиммасига олган. Шунда Хазорасп туманидан эмас, балки Боғот тумани орқали газ таъминоти йўлга қўйилади.

Ҳозирги кунда ҳам лойиҳалаш, ҳам қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Боғот тумани ҳокими биринчи ўринбосари Ш. БЕКЧАНОВ

Дўконларни оқсоқоллар назорат қилишади

«Наврўз» жамоа хўжалигида яшовчи Жалилов Исомиддиннинг таҳририятга ёзган аризаси юзасидан 1998 йил 3 декабрь куни вилоят ҳокими туманнинг ижтимоий соҳалари билан танишиб, туман хўжалик ва ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Ижтимоий соҳалар билан танишув пайтида туман матлубот савдо акционерлик жамиятига қарашли дўконларда 8 хил кундалик эҳтиёж моллари ва бошқа товарларнинг етарли даражада заҳираси борлигини эътироф этиш билан бирга, 2 та савдо дўконида пахта ёғи ва шакар нархлари нотўғри ёзиб қўйилганлиги айтиб ўтилди. Ҳар иккала дўконга ҳам шу куни тафтиш тайинланиб мудирлари вазифасидан озод этилди.

Туман матлубот савдо акционерлик жамияти раиси Т. Эргашевга савдо дўконларини тартибга олиш бўйича топшириқ берилди.

Ушбу масала аҳволи ўрганиб чиқилди ва тегишли чоратадбирлар белгиланди. Жумладан, ҳар бир дўконга нархнавони тўғри қўлланилишини доимий назорат қилувчи 3 кишидан иборат маҳалла оқсоқоллари белгиланди.

Пахтачи туман ҳокимининг ўринбосари Р. ТОЖИЕВ

Халқаро баҳс Наманганга кўчди

«Фьючерс» халқаро теннис мусобақасининг Андижонда ўтказилган босқичи якунланди. Профессионал теннисчилар ўзаро беллашган бу мусобақада россиялик Андрей Столяров муваффақият қозонди. Тошкентлик Вадим Куценко иккинчи ўринни эгаллади. «Андижон» теннис ўйингоҳида совриндорларни Андижон шаҳар ҳокими А. Собиров қутлаб, эсдалик совғалари топширди. Энди теннисчилар мусобақанинг навбатдаги якунловчи босқичида иштирок этиш учун Наманганга йўл оладилар.

Аҳмадулло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Президентимиз Ислом Каримовнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони халқимиз дилидаги гап бўлди. Президентимиз ташаббуси билан пойтахтда, республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида миллий руҳ, миллий қадриятларимизни ўзида жамлаган, шу санага боғлиқ иншоотлар қуриляпти.

Мулоҳаза

Кимга сиғиняпсан, келинчак?

Фарғона вилоят ҳокимлигининг ёнбошида, «Қаҳрамонлар хиёбони» тепарағида маҳобатли, антиқа ҳайкал қад кўтариб турганини кўпчилик билади. Ҳайкални антиқа деб аташимизнинг боиси шундаки, у бино бўлганидан буён нимани, қандай маънони ифода этишини кўпчилик тушунмади. Аниқроғи, ҳозир ҳам тушунаётганимиз йўқ. Борди-ю, уни ҳозиргача кўролмай, армонда юрганлар бўлса, бу «санъат асари» ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтишимиз мумкин. Тасаввур этиб кўринг: қаршингизда, ҳайбатли, сочлари тўзғиган, овруполик ўсмир паришонхотирлик билан сукут сақлаб ўтирибди.

... Ўша ҳайкал очилиши маросимига мақола муаллифларидан бирини ҳам таклиф этишган эди. Бунга кўп йиллар бўлди, албатта. Карнайсурнай ноғоралар садоси осмонга ўрлайди. Ниҳоят, оқ матоҳ туширилиб, мана шу ҳайкалнинг рухсори кўринди.

— Қанақа ҳайкал бу, тушунмадим? — деди кимдир.

— Нега тушунмайсиз? Санъат асари бу! — асабийлашиброқ жавоб берганди ўшанда мафкура ишларига масъул бўлган ўртоқ. — Ҳаммага тушунарли бўлган санъат асарига наҳотки сиз тушунмайсиз?

Ҳайкал очилишига бағишланган тантана тугагач, биттаси «туманний» деди, бир-иккитаси «Байналмилалчиликка бағишланган ҳайкал» деди, биттаси қўл силтаб қўяқолди.

— Бу ҳайкал сиймосида отаонаси уйидан қувиб юборган баъманироқ кўринган ўттиз беш ёшлардаги йигитни тўхтатиб, ундан: «Қайси азиз-авлиёнинг пойига гул қўйдиларинг? Келин-қуёвлар ҳозир кимга сиғинишди?» ўриниб уларнинг олдингисидан оқ фатага ўралган келин ва куёв тушишди. Кейингиларидан қийқирганча йигит-қизлар тушиб келишди. Аллақаёқдан суратқаш пайдо бўлди. Ҳалиги ҳайкал пойида сувратга тушишлар бошланди. Йигирма чоғли қиз-йигитлар ихлос билан бояги ўсмир ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Қисқаси бир оз муддат ўтгач, ёшлар машиналарга чиқа бошлашди. Шу пайт овруполик бебош, саёқ ўсмирни кўряпман, — деди бирови. Яқинда шу майдонда бир манзарани кузатдик. Майдонга бирин-кетин олтитами, еттитами енгил машиналар ўқдай учиб кириб келишаётганди. Ўзимизни аранг четга олдик. Машиналар чийиллаб тормоз беқилиб, турмуш қураётган ёшларимиз ҳатто, уларга бош-қош бўлиб турган катталар ҳам бундай пайтларда қаерга талпиниш, қайси азиз-авлиёларга сиғиниш, деб сўрадик. Йигит ҳайрон бўлиб, елкасини қисди.

— Билмадим. Ҳамма келадиган жойга келдик. Ҳамма гул қўядиган жойга гул қўйдик. Нима қипти?

Агар савол-жавобни давом эттираверадиган бўлсак, сочларига оқ оралай бошлаган бу ширакайф укамиздан ҳам дашном эшитишимиз аниқ эди.

Демоқчимизки, кўнгилларига эзгу орзу-умидларни жо қайси улуғларимиз руҳидан мадад сўраб илтижо қилишни ҳам билавермайдилар. Охир-оқибатда шўролар мафкурасининг зўри билан Фарғонага обкелиб қўнқайтириб қўйилган (уни бошқа иттифоқдош республикалар қабул қилишмаган экан) тасодифий ёдгорликка сиғиниш расм тусига кириб қолди. Бу ҳол ҳозир ҳам давом этяпти. Мана шуниси ачинарли.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Мустақиллигимиз шарофати билан Фарғона вилоятида ҳам қадриятларимизни тиклаш, маданий-маърифий соҳаларда катта ишлар қилинди. Мана, бир-икки мисол. Кенгашлар уйи олдидаги хиёбонда буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ҳазратларига ҳайкал қўйилди. Жаҳон тан берган буюк алломамиз Аҳмад ал Фарғонийга таърифга сиғмас ёдгорлик бунёд қилинди. Ҳар икки зот ҳам ўз ижодлари билан жаҳонни лол қилган буюк сиймолар эмасми? Мана шуларни ўйлаганда бир нарса хаёлимизга келаверади. Хўш, келинчакларимиз, қуёв болаларимиз кимга сиғинишяпти ёки таъзим қилишяпти ўзи? Ўзбек номини оламга ёйган буюк сиймоларимизга сиғинмоқ афзалми ёки бўлмаса, собиқ Иттифоқ республикалари биринсирин чиқитга чиқаргандан кейин бизнинг юртимизда макон топган тасодифий ёдгорликка топиниш маъқулми?

Бунга жавоб топиш учун кишидан унчалик кўп ақл талаб этилмайди.

Тўғри, ўша энсани қотирадиган «Мотамсаро ўсмир» ҳайкали қурилганидан кейин орадан йиллар ўтиб, республикамиз мустақилликка эришгач, ўша ёдгорлик пойи «Қаҳрамонлар хиёбони»га айлантирилди. Майдонга Фарғона вилоятидан иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган жамики баҳодир ўғлонлар ҳайкаллари ўрнатилди. Айни шу нарса ҳалиги ёдгорлик билан қаҳрамонлар хиёбони ўртасида қандайдир уйғунлик пайдо этгандек туюлиши ҳам мумкин. Бу яхши. Лекин, ҳаққоний савол туғилиши ҳам аниқ. Хўш, жуғрофик макон-чи? Ахир, Фарғона Тула ва Рязаннинг бир бўлаги эмаску. Фарғонадан ҳам юз-минглаб ўзбек ўғлонлари урушда қатнашиб, кўпчилиги жангтоҳларда шаҳид кетмадими? Ўн минглаб аёллар тул, болалар етим қолмадими?

Ўша ҳайкал ўрнига уруш йиллари хазон бўлган норасида болаларга, очлик ва чарчоқдан нобуд бўлган марҳумларга ёдгорлик ўрнатилса бўлмайдими? Ёки бўлмаса, Фарғоналик жасур жангчи сиймоси акс эттирилса бўлмайдими? Бўлади! Бунга фурсат ҳам етганга ўхшайди.

Мустақиллик ва истиқлолимиз кўп нарсани ўзгартирди. Бу ҳол давом этяпти. Зўраки байналмилалчилик туфайли юртимизга, ҳаётимизга суқилиб кириб, таъбимизни хира қилиб келган кўринишлар барҳам топяпти. Мустақиллик мафкураси шу сингари бошқа қусурларга ҳам барҳам беришига шубҳамиз йўқ.

Охунжон ҲАКИМ, Алишер ИБОДИНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси материаллари жойларда ўрганилмоқда

Маҳалла — ҳаёт мактаби

Маҳалла — жуда катта куч. Бу ҳаётда ҳақиқий исботини топаяпти. Кўп йиллик тажрибаларимдан ҳам шу хулосага келдим. Барча бир бўлса, тоғни талқон қилади, хонадонни, маҳаллани гулга буркайди. Маҳалламизда амалга ошаётган ишлар ҳам буни тасдиқлайди. 650 дан зиёд хонадонли маҳалламиз аҳли якдил, ҳар қандай муаммонинг ечимини топишга қодир. Маҳалла қўмитамизда бир неча комиссиялар ташкил этилган. Тўйлар кенгаши фаолият кўрсатяпти. Фуқароларнинг ариза ва таклиф-талаблари ана шу комиссия ва кенгашларда кўриб чиқиляпти. Адолатли хулоса бериляпти. Бундай бўлишининг сабаби маҳалла фуқаролари кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаларига эга Комилжон Мирзаев, Абдурашид Исмоилов, Мухторжон Абдуқаҳҳоров, Ҳамидулла Ҳакимов, Мухторжон Раҳматов сингари фаолларни комиссиялар раҳбари этиб сайлаган. Оқсоқоллар деганда фақат ёши улуғ инсонларнигина эмас, оиласида, маҳаллада меҳнат қилаётган, жамоасида обрў топган, кўпчиликни ибратли йўлга бошлайдиган куч-қувватли кишилар тушунилади. Биз ибратли ишларни амалга оширишда ана шундай инсонларга суянамиз. Улар кўпчиликнинг корига ярашдек савобли ишларни бажонидил бажараяптилар.

Сессияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул этилди. Ушбу қонун маҳаллалар фаолияти учун айни муддао бўлди.

Сессияда юртбошимизнинг қилган маърузасини маҳалладошларимиз билан бирга қунт билан ўргандик. Маъруза келгуси фаолиятимизда янги режалар белгилашга ундади. Маҳалла фаоллари, ҳар биримиз катта масъулият билан ишлашни кўнгилга тугдик. Пухта тайёргарлик билан бошланган ибратли ишлар маҳалланинг ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлиб қолишига хизмат қилади.

Жўрабой РАҲМАТИЛЛАЕВ,
Андижон шаҳридаги
«Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси

Масъулият юки

Юртбошимизнинг сессиядаги тарихий маърузаси бизнинг шаҳар партия ташкилотларида чуқур ўрганилмоқда. Жамиятни демократиялаш жараёнида партия аъзолари амалий ишлари билан фаол қатнашиш ва бунда бошқаларга ўрнак бўлиш истагини изҳор қилмоқдалар. Ташкилотимизда ҳисобда турган беш минг нафардан зиёд сафдошларимизнинг бу истаклари албатта рўёбга чиққусидир.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши биринчи котиби

ТАВБА

Эгилган бошни қилич кесмас

Президентимизнинг юксак минбардан туриб бизнинг олдимизда турган хатарлардан бири «Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар» дедилар. Дарҳақиқат, учтўртта ғўр диндор хорижнинг ноғорасига ўйнади-ю, айрим йигитларимиз онгига бузғунчиликни тиқиштирди.

Ички ишлар идорасига бош эгиб келганлардан бири Ёқубжон Ваҳобовдир. Ёқубжон 1991-94 йилларда диний-экстеримистик оқимга қўшилиб қолиб, яшириниб юрган. Юртбошимиз даъватларидан кейин ота-онаси билан келиб, кечирим сўради.

— Икки йилдан ошиқ турли жойларда одамлар назаридан четда яшадим, — дейди уч фарзанднинг отаси Тоҳир Ғафуров.

Ҳаловат деган нарса йўқ эди. Ким учун ишлаяпман, нима учун яшаяпман, дейман ўзимга. Чунки на бировга ёрила оламан, на бир оғиз ширин сўз.

Ваҳобий-ақидапарастларнинг асоссиз уйдирмаларига кўр-кўрона эргашиб, жазоланганлардан бири Йўлдошали Азимовнинг тавба-тазаррулари айниқса чексиз.

— Жазо муддатини ўтадиму тавбам қабул бўлармикан, деб эзиламан. Уч йил қамоқдалигимда онам, беш нафар фарзандим учун чеккан руҳий азобларга диққат бўламан. Ахир, уларга мен жавобгарман-ку. Энди-энди англадимки, ўша мен қамалган 1992 йили «Ислом лашкарлари», «Адолат» деган гуруҳлар бўлиб, Ваҳобийлар ҳам шунақа бир тўда экан. Мана энди бошқаларга, айниқса ёшларга эҳтиёт бўлинг, ёмонларга лақмаланиб эргашиб кетаверманг, тинч-осойишта юртда озод, эркин, ёруғ юз билан яшанг, бу улуғ неъмат, дегим келади. Ёшларга илм-ҳунар эгаллашга интилинглар, деб айтаман.

Суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, биз мустақиллик берган неъматлар қадрига етишимиз керак! Орамизда айрим адашган ва тўғри йўлдан оғганлар эндиликда хатоларини англаб, тавба қилмоқдалар. Зеро, тавба қилган кишининг хатосини Ватан ва халқ кечирса, унга умрбод содиқ қолиш ҳам қарз, ҳам фарздир!

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ва ниҳоят ёнғин ўчирилди

Хитойнинг Сичуань вилояти ўрмонларидаги кучли ёнғин бутунлай ўчирилди. Бу офат натижасида 100 гектардан кўпроқ ҳудуд ёниб кетди. Маълумотларга кўра, унга қарши курашда мингдан зиёд ўт ўчирувчи иштирок этган. Қурбонлар ва етказилган моддий зарар ҳақида эса маълумот берилмаган.

Самолёт йўқолиб қолди

Австралиянинг Ф-111 қирувчи-бомбардимончи самолёти Жанубий Хитой денгизининг Малайзия қирғоқлари яқинидаги қисмида йўқолди. Ушбу ҳодиса Ф-111нинг Квинсленд штатидаги Эмберли ҳарбий ҳаво кучлари базасидан чиқиб, Австралия, Буюк Британия, Малайзия ва Сингапур ҳамкорликда ўтказган ҳарбий ҳаво машқларида иштирок этгандан сўнг содир бўлди. Қидирув ишлари давом этмоқда.

Ҳинд қизалоғи

Вертолёт қулади

20 апрелга ўтар кечаси Японияниг жанубий ороли — Окинава яқинида АҚШ денгиз пиёда қўшинларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради. Оқибатда уч киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди. Вертолёт нима сабабдан Окинава шимолида жойлашган АҚШ қуролли кучларининг жанговар машқ майдони яқинида Тинч океанига қулаб тушгани номаълум.

АҚШ вертолётлари ва Япония хавфсизлик бошқармасининг назоратчи кемалари бедарак йўқолган экипаж аъзосини изламоқда. Лекин ҳали вертолётнинг ўзи ҳам топилгани йўқ.

(ЎзА)

Миллат ва маънавият

Янги илм масканлари

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузаларида «Ихтисослаштирилган қурилиш трестлари тузишни ниҳоясига етказиш, барча зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва Дастурда белгиланган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш лозим»лигига алоҳида урғу бериб ўтдилар. Хўш, бу дастур жойларда қандай бажариляпти?

Сирдарё вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари қурилишлари кун сайин қизғин тус олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-2005 йилларда академик лицейни ва касб-ҳунар коллежларини барпо этиш ҳақидаги дастурига асосан жойларда тезлик билан амалий ишлар бошлаб юборилган эди. Бугун эса ана шу ишларнинг дастлабки самаралари кўзга ташланмоқда. Бунга Гулистон шаҳрида барпо этилаётган академик лицейни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу ерда ишлар атиги 4-5 ой илгари бошланган эди. Ўтган ана шу давр мобайнида бажарилган ишлардан кўзингиз қувонади. Академик лицей биносининг ўқув корпуси битиш арафасида турибди. Бинога кирар экансиз, кенг йўлакларни кўрасиз. Наҳотки фарзандларимиз шундай ажойиб дарсхоналарда билим олиш бахтига муяссар бўлсалар, дейсан киши.

Ўқув корпуси билан биргаликда бу ерда қад кўтарилаётган иккита ётоқхона, ошхона, машғулот залларида ҳам қурилиш ишлари қизғин олиб борилаётир. «3-Сирдарёсаноатфуқароқурилиш» ташкилоти бошлиғи ўринбосари Фарид Ҳакимовнинг айтишича, қурилиш жуда қизғин олиб борилмоқда. Сирдарёликлар билан бир қаторда бугун қурилишда Павел Адамов, Маъмуржон Муҳиддинов, Виктор Черняев, Муҳсин Дадажонов бошлиқ республикамизнинг турли вилоятларидан келган қурувчилар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Тошкент вилояти қурувчилари эса техника таъминотида ёрдам бермоқдалар. Қурувчиларнинг ишлари сифатидан буюртмачилар миннатдор бўлишмоқда. Қурилиш материаллари, жиҳозлар ва бошқа таъминот масалалари узилишларига йўл қўйилмаётир. Бундай ҳол ўз навбатида қурилиш суръатини ошириб боришга имконият яратмоқда. Гулистон академик лицей қурилишида 181 киши меҳнат қилмоқда. Яқин кунлар ичида май ойидан бошлаб эса иш ҳажми ҳам, қурувчилар сони ҳам икки баробар ортади. Қурувчилар янги кошона калитини ўқувчиларга август ойида топширишни режалаштиришган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг қарорларига биноан 1999-2005 йиллар мобайнида Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида 6 та академик лицей ҳамда 64 та касб-ҳунар коллежлари барпо этилади. Ана шу улкан ва шарафли вазифани адо этиш йўлида бу йил дастлабки одимлар ташланди. Хусусан, мазкур ўқув йилида юқорида биз тилга олиб ўтган 600 ўринли Гулистон академик лицейи, Ширин шаҳрида 2 та касб-ҳунар коллежи, Гулистон ва Сирдарё туманларида ҳам касб-ҳунар коллежлари қайта қуриш ҳисобига барпо этилмоқда. Шу мақсадларда Ширин шаҳридаги қурилишларда 120 киши, Сирдарё шаҳрида 81 киши, Гулистон туманида эса 84 кишидан иборат малакали қурувчилар жадал суръатлар билан иш олиб бормоқда. Шу билан бирга келаси йилга мўлжалланган қурилишлар учун ҳам пухта ҳозирлик кўрилаётир. Ана шу мақсад йўлида энг замонавий мукаммал лойиҳалар танлови ўтказилди. Буларга асосан келаси йил Гулистон шаҳрида 375 ўринли, Боёвут туманида 600 ўринли академик лицейлар ҳамда барча шаҳар ва туманларда биттадан касб-ҳунар коллежлари қурилишлари бошланади. Шу мақсадларга камида 5 миллиард сўмлик маблағ сарфланаётир. Ана шу катта вазифаларни пухта ва режали амалга ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги қошида махсус штаб фаолият кўрсатмоқда. Штаб ҳар ҳафта, зарурат пайдо бўлганда эса ҳафтада икки марта ўз таҳлилий йиғилишини ўтказиб турибди.

Ўқув даргоҳларига директорлар, ўқитувчилар танлов асосида ишга олинаётир. Бўлажак ўқитувчилар эса, Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги малака ошириш курсларида ўз билим ва маҳоратларини бойитмоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳаво тоза... ишлар беш!

Дўстлик пахта тозалаш корхонаси жаҳоннинг 12 мамлакатига сифатли маҳсулот жўнатади. Олдинлари бу ерда маҳсулотни қайта ишлаш туфайли ҳавога чиқиндилар чиқиб, маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўларди. Чиқиндиларни тутиб қоладиган механизм ишга туширилгач эса атроф-муҳитнинг ифлосланишига чек қўйилди.

— Жорий йилда яна 800 минг сўмлик экология мосламасини қуриш режалаштирилаяпти, — дейди корхона раҳбари Фатхулла Ҳамидов. — Бу иш янги мавсум бошланиши олдидан поёнига етади. Энди корхонамиз ҳудуди ва марказий қўрғонда тоза ҳаво сақланиб туради.

Тожибой ПАРДАБОЕВ

Беморлар учун асоратсиз...

Маълумки, кимёвий усулда тайёрланган баъзи дори-дармонлар кўпинча турли асоратлар қолдиради. Бироқ доривор гиёҳлардан тайёрланган дорилар эса беморга майин таъсир қилади, бундан ташқари бирон-бир нохуш оқибатларга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам Тошкент Давлат университетининг табиий бирикмалар кимёси илмий-тадқиқот лабораторияси ходимлари ўсимлик хомашёси асосида янги дори-дармонлар тайёрлашмоқда. Бу ерда яратилган тиббий дорилар орасида чекишни ташлашга кўмаклашувчи «Анабазин гидрохлорид» ҳамда вирусга қарши ишлатиладиган, бугунги кунда эҳтиёж катта бўлган «Савран»ларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ташқари кейинги вақтда юртимизда ўсадиган колхикум, лагохилус ва мерендера ўсимликлари асосида ҳам ноёб дорилар яратилган.

Янги дориларнинг дастлабки клиник синовлари уларнинг даволаш хусусияти юқорилигини тасдиқлади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу дорилар барча зарур фармакологик тадқиқотлардан ўтгандан сўнггина савдога чиқарилади.

Бахтиёр СУЛТОНОВ

Кўр кўрни «саюз»да топадими, энди?

Яшайверсанг кўравераркансан. Кўраверсанг баъзан жонингга ҳам тегаркан. Тўғриси, яхши, чиройли нарсаларни кўрсанг яна кўргинг келади. Гап булар ҳақида эмас. Шу ёмон нарсаларга қайта-қайта дуч келганингда, қандай қилиб кўнглинг айниб кетганини билмай қоласан. Мана, масалан, кечагинда бир гап тарқадики, ҳалиги Гарбачев бор-ку (асли таги даштиқипчоқлик 80 яшарлик қўшним Тўқсонвой ота тили келишмай уни Ғарбаччўп дейди), тунов куни Минскка бориб, Лукашенка билан учрашибди. Ўзим телевизўрда кўрмадим-у, лекин бошқа бир қўшним бор, у анча ёшроқ, кейин шўхлигиям бор, ўшанинг айтишича «СПИД-инфо»да ёзибдими ё энди расми била чиқармишми, хуллас, иккалови обдон ўпишишганмиш.

Ҳа, энди ўпишган бўлса, ўпишгандир-да, одамлар бунақа пайтда нима ишларни қилиб юбормайди, дейишлари ҳам мумкин. Майли, ўпишса ўпишаверсин, менга нима. Фақат бир хил нарсаларни эслаганингда шунақа энсанг қотади-да. Ўзингиз ўйланг, биринчи «саюз» тарқагандан кейин Лукашенканинг ўқиган дийдиёлари қанақа бўлганди. Худди XX асрнинг бешигини тебратиб қўйгандай, СССРнинг барбод бўлиши XX асрнинг энг оғир фожиаси, жиноятн қабилидаги гапларни гапиргани эсингиздами. Бугун бўлса, ўша СССРнинг охирги парткоми билан ҳалигидака ишларни қилиб ўтирса.

Гарбачевга ҳам ҳайронсан. Юртма-юрт юриб, чўпчак айтиб топганингни еб ётсанг бўлмайдими, нима қиласан палитикага аралашиб. Обрўйингда юрсанг-чи. Мана энди ҳамма ёқда гап. Нимаймиш, Лукашенка билан Гарбачев суратчиларнинг олдида хунук ишларни қилганмиш. Мен ўзим кўрмадим, одамлар шундай деяпти. Биттасига, бўлмаган гап, десам. Ишонаверинг, бўлганга ўхшаяпти. Бўлмаса, Гарбачевнинг ўзи, Югославиядаги можаролар бўйича музокаралар жараёнига «қўшмачилар эмас, жасади оғир палитиклар» («не посредники, а политики-тяжеловесы») бош қўшиши керак, Лукашенка худди шунақа палитиклардан, деб ишора бермасди, деб гапимни кесиб ташламасди. Бу билан нима демоқчисан, десам, иккита савол билан мот қилди-қўйди: бир балоси бўлмаса, Гарбачев Лукашенканинг жасади оғирлигини қаердан билади? Қаердан?... Ёки нега қўшмачилар керакмас, дейди?

Ё, алҳазар, ҳеч ишонгинг келмайди. Наҳотки кеча ит-мушук бўлиб юрганлар бугун шунақасига қовушиб кетса? Бу ерда бир сир борга ўхшайди, деб юрсам, кечки пайт телевизўрда яна иккалови чиқиб қолди денг. Бутун вужудимни қулоққа айлантириб эшитиб турсам, Лукашенка, биз ҳаммамиз, Лукашенка ҳам, Елсин ҳам Гарбачевнинг болаларимиз, деб юборса-я. Вой, қурмағур-эй, бу билан менинг ҳам, Елсиннинг ҳам дадаси Гарбачев, демоқчими? Ў, инсон, кечагина Елсинни «отамсиз» деб юрган сенмидинг? Сенинг отанг нечта ўзи?

«Дадаси» ҳам бўш келмасдан, қаерга борса, «кимдир Белоруссия ҳукуматини «ажина қилиб кўрсатмоқда», деб юрганмиш. Ёнини олишидан ё ҳалиги гапларда жон борга ўхшайди, ё аслида иккаласини ҳам ажина чалиб кетган.

Кечагинда шу гапларни чойхонада улфатларга айтиб берсам, палитикага жуда қизиқадиган Маҳамат ака, ука, биринчи «саюз» деяпсан, нима бу тухуми қурмағурни иккинчи, учинчиси ҳам борми, деб сўраб қолдилар.

Бўлмасам-чи, биринчиси, ҳалиги ўзинглар билган «саюз саветских...», деб гапни бошлагандим, чойхоначи Умар ота қўлидаги чойнакни шарақ этиб хонтахтага қўйиб, менинг чойхонамда сўкилмасин, деб қолди-ю, арининг ини бузилди-кетди. Нарироқда, қайсидир завўдда ўттиз йил партком бўлиб ишлаган, яқин-яқингача «Ўктабр инқилоби» медалини камзулига, охирги пайтда ичкаридан майкасига беркитиб тақиб юрадиган бир отахон, нега «саюз» ҳақорат сўз бўларкан, деб тўпалон қилиб қолса бўладими. Шунақа пайтда-чи, кўп нарсалар очилиб кетаркан-эй. Чунки партком гапиришга гапириб қўйди-ку, балога қолди. Ҳамма ўшанга ёпишиб кетиб, билган-билмаганини айта бошлади. Шулардан биттаси, сизларга айтиб берсам, ўзимга ҳам роса ёқди. Хуллас, чойхоначи Умар ота эллигинчи йилларда мана шу заводда ишлаб юрганида, ҳалиги партком уни чақириб, мен ўғлимни кестирмадим, чунки мен коммунистман, сен ҳам коммунистсан, яна ўғлингни кестириб юрма, деб партийний заданий берган. Бу лақма ҳам шунга кўнган. Орадан йиллар ўтиб, қариндош уруғи унга обдон танбеҳ бераверганидан кейин, ўзининг ҳам кўнгли бор бўлса керак, ўғлини ётқизган. Бу пайтда ўғли ҳам ўн олтини уриб қўйган, бўйи отасидан ҳам ўтиб кетган экан, хуллас, роса қийналибди. Бир куни жонидан ўтиб кетганми, ўртоқларидан уялганми, ё Павлик Морозовга меҳр қўйганми, ўғли ётган жойида отасига қараб, дада, шусиз ҳам туппа-тузук юргандим-ку, сиз қанақасига коммунистсиз, мен сизни партком га айтаман, бу ишларингиз КПСС уставига тескари, деб масалани сиёсий томонга бурибди.

Шунда тўйиб турган Умар ота, бор айтсанг айтавер, КПССнинг аралашмагани фақат сенинг ўша еринг қолди ўзи, деган экан.

Гапнинг қисқаси, шунақа таъналар билан ҳалиги парткомнинг овозини ўчиришди. Мен ҳам гапни давом эттирдим.

Демак, биринчи «саюз» мана шу. Энди иккинчисига келсак, бу Россия-Белорус «саюзи». Уни тепасида Лукашенка билан Елсин турибди, дейишимни биламан, гурра кулги бўлиб кетди. Яна муҳокама бошланди: нега Лукашенка ҳали Гарбачев билан, ҳали Елсин билан, ҳали Милашевич, ҳали ўрисиялик ҳокимлар билан «саюз» қиламан дейди, бирон касали бормикан...

Хуллас, роса баҳс бўлди, кимдир ривоят билан, кимдир бемаза латифа билан фикрини тушунтирмоқчи бўлди. Қарасам менга гап тегмайдиган. У қилиб, бу қилиб уларни тинчитдим-у, гапимни давом эттириб, учинчиси, тамўжинний «саюз», дейишим билан яна биттаси, буниси қанақа саюз бўлдийкан, деб савол ташлаб қолди. Ҳангома бошлангандан бери чойхона буфети пештахтасига тирсагини қўйиб, гапга қулоқ солиб турган сал олифтароқ йигитча, мен ҳам бир ўзимни кўрсатиб қўяй дедими, буниси яхшироққа ўхшайди, деди-ю оловга керосин қуйди-қўйди (ё атайин шундай қилдими?). Ўб-бо, гап роса чўзиладиган бўлди-да, деб тургандим, Қозоқвой ака ўта жиддийлик билан, бу сложний масала, мен ўзим кейин тушунтириб бераман, ука, тўртинчисига ўтаверинг, деб жонимга оро кирди. Ўтирганлар Қозоқвой акани мана шу учинчи «саюз» бўйича катта эксперт деб тушунди. Бундай эътибордан у киши ҳам қанақадир, кеккайиб десам бўлмас-ку, мағрурланиб қўйдилар. Қозоқвой акага бундай муносабат боядан бери ким нима деса кулиб, оғзини йиғиштиролмай ўтирган Ўроғвой акага ёқмади. Нимагадир унинг қути ўчиб кетди. Бўлмаса, иккови бир девор қўшни.

Мен ҳам шу фурсатдан фойдаланиб, сўзимни давом этиб, тўртинчи «саюз» мана шу кунларда туғилмоқчи, десам, кимдир, бунисининг оти нима бўлади, деб савол ташлаб қолди. Мен ҳам билганимни айтдим: Россия-Белорус-Югославия. Шунда анчадан бери жим ўтирган бир қария, манави ҳозирги тўполон, ур-сўрлар шуни тўлғаноғи дегин, деб ҳаммани кулдирдилар. Фақат партком кулмади. Олдидаги чойнакни шарақ-шуруқ қилиб, чойхоначига қараб, манавига битта аччиқ кўк чой олиб кел, деди-ю яна балога қолди. Чойхоначи, нега дўқ урасан, у замонлар энди ўтиб кетди, э-сани одам қилган Ленинни... деса, бошқа биттаси, ҳа, партком бува, нега ичингиз ёнади, шунчалик ҳавасингиз келаётган бўлса, боринг Ўртоқ акангизни олдига, биргалашиб латта тутиб, доялик қиласизлар, деб парткомни обориб келишди. Партком қараса иши чатоқ, партияга киргандан бери ҳеч ҳам оёғидан ечмайдиган хиром этигини ғирчиллатиб қочиб қолди.

Шу ерга келганда ҳалиги қария қиссадан ҳисса қилдилар: илгари кўр кўрни қоронғида топади, дейишарди. Манави, Гарбачев, Лукашенка, Милашевич, Зуганевга ўхшаган яна бир нечтасининг дарди саюзда экан, бундан чиқди, энди кўр кўрни саюзда топаркан-да? Вой, қоқилиб эси кирмаганлар-эй...

Улуғбек САРДОР

Оқ ва қора

Журналист текшируви

Сохта фаришта

ёки хўжалик мулкини талон-торож қилаётган раис ҳақида

Гулбой Бўриев Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги В. Қодиров номли қишлоқ хўжалик кооператив ширкатлар уюшмасига 1995 йил охирида раис бўлиб келди-ю, меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозлари битилган шикоятлар туман, вилоят ва республика миқёсидаги турли идораларга ёмғирдай ёғилиб кетди. У олдига дарду ҳасрат билан келганларни қўпол сўзлар билан сўкиб қувадиган бўлди. Меҳнаткашлар иш ҳақларини сўраб раисга эмас, дейлик хўжаликнинг ҳисобчи-ю, иқтисодчисидан нарига ўтолмайдиган бўлиб қолишди. Гулбой Бўриев аҳолини қабул қилиб ўтирмайди. Бунга унинг бўш вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ. Шу боис аввалги хўжалик раҳбари белгилаб, қатъий риоя қилган қабул кунини ҳам бекор қилди. Ўшанда, аниқроғи бундан роппа-роса бир йил олдин ушбу воқеа юз берганидан Сурхондарёда ҳамма хабар топганди. Ҳақсизликка чидай олмаган хўжаликнинг ўнлаб хотин-қизлари раис Гулбой Бўриевни идорадан қувиб чиқаришган, идораси эшигини михлаб ташлашганди. Чунки унинг ҳузурига болаларини етаклаб кирган аёлларга: «Болаларингни нега ўйламай туғдиларинг, уларни ким туғдирган бўлса, ўша боқсин!» деган гапларни айтганда, одамлар раисни олдига солиб қувганлар...

Бироқ, «Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқади» деганларидек, Гулбой Бўриев бу машмашалардан кейин ҳам ҳеч нарса кўрмагандек идорага келиб-кетиб турди. Ва туман раҳбарлари, ва вилоят мутасаддилари хўжалик меҳнаткашларининг арз-додини тингламади.

Хўжалик аҳли эҳтимол ана шулардан сўнг Гулбой Бўриев ўзгарар, бадфеъл хулқини ўзгартирар деб умид қилди.

Аммо, хўжаликка раҳбар бўлганига ҳали бир йил ҳам тўлмай Гулбой Бўриев «Бетимнинг қалини, жонимнинг роҳати» қабилида иш тутди. Хўжалик меҳнаткашлардан миллион-миллион сўм қарз бўлиб, эмизикли боласини қучоқлаган аёллар раис эшигида ўз иш ҳақини сўраб турган бир пайтда... раис жаноблари каттакон жомадонни қўлтиқлаб, Американинг Атланта шаҳрига — Олимпия ўйинларини томоша қилгани хўжалик ҳисобидаги 260 минг сўм пулни (ўша пайтда бу маблағ озмунча пул эмас эди) йўл харажатлари учун ўтказиб жўнаб кетди.

— Наҳотки, зўр тегирмон юргизади деганлари рост бўлса? Шерободда у кишининг мушугини ҳеч ким пишт деёлмайдими? — дейди хўжалик ишчиси Бобоқул Норменглиев. — Раисга рўбарў келишдан ҳайиқамиз. У кишидан ўтган йилги иш ҳақимизни сўрасак, тутоқиб, бақириб кетади: «Бор, қаёққа борсанг боравер, пул йўқ, бир тийин ҳам йўқ!»

Гулбой Бўриев раҳбарлик қиладиган хўжаликда бўлдик. Хўжалик идорасида ўнлаб аёллар... Кўринишидан қатнайвериб юмуши битмай қўникиб қолган, лекин ноиложликдан қўлида бир парча қоғозни тутганча раисга имзо чекдиришни пойлаб турган одамлар...

— Кассада озгина пул бор. Бу одамларга раис хўп десалар (яъни имзо чексалар) иш ҳақлари ҳисобидан берар эдик. Лекин, менинг бир ўзим ҳеч нарса қилолмайман, — дейди хўжаликнинг бош ҳисобчиси Тўра Омонов.

— Бир неча ҳафтадан бери қатнайман, — дейди ўзини Дилбар Рўзиқулова деб таништирган аёл. — Хўжайиним касалхонада оғир аҳволда ётибди. Наҳот, шундай пайтда ҳам иш ҳақимизнинг бир қисмини ололмасак?

Мен нима ҳам қила олардим, дегандай бош ҳисобчи елка қисади...

Ҳа, хўжалик бугунги кунда қарзлар ботқоғига ботган. Жумладан, нафақат меҳнаткашлар иш ҳақидан, балки солиқ тўловлари, электр энергияси ҳақи, нефть маҳсулотлари корхонаси ва бошқа кўпдан-кўп жойлардан қарздор. Хўш, бу қарзларни Гулбой Бўриев қачон ва қандай қилиб узмоқчи?

У кишини хўжаликка тўртинчи бор боргани-мизда учратишга муваффақ бўлдик.

— Э, мени бир ҳафтада топган бўлсаларингиз осон ушлабсизлар. Шу идорадагилар билан ҳам баъзан кўришолмайман, — дейди раис. — Мухбир эканслар, шуни билиб қўйишларинг керакки, мен энди хўжаликни кўтараман. Келганимга тўртинчи йил бўлди, энди режаларни бажариш шарт, энди қўймайман, қаттиқ киришганман.

— Нега илгарироқ киришмаган эдингиз? — савол ташлашга улгурдик.

— Масала шунда-да! — столга шапиллатади раис. — Биз февраль ойида Термизга бориб ўқиб келдик. Эҳ-ҳе, гап буёқда экан-да. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича «программа» тузилган экан. Мана, китобини ҳам обкелдим. Уни чуқур ўргандим. Ўқишдан қайтгандан буён тинганим йўқ, ислоҳот қиб ётибман. Ғалла ҳам, боғ ҳам, чорва ҳам ширкатчи оилаларга бўлиб берилди. 1570 гектар пахта майдонини, аниқ айтолмайман, «примерно» 100 та оилага бердик. Яна «где то» етмиш гектар ер қолди. Кўп бригадирлар аллақачон фермер бўлиб олишган. Хуллас, бу йил ўзимизга қолган бир ярим минг гектар ердан 30 центнердан пахта оламиз. Ғаллани ўтган йили ҳам бажарган эдик, бу йил ҳам бажарамиз...

— Ҳозир хўжалик омборида қанча дон бор?

Раис «шундай қизғин нутқни» бўлганимиз учун норози бўлгандек, телефон гўшагини қулоғига бир обориб, тарақлатиб жойига қўйди-да, яна гап бошлади.

— Бу сўзимда муболаға йўқ. Чунки ўқиб келдимда, биламан. Мана қаранг, ҳозир пахтанинг шартномасини тузишга киришдик. (Апрель ойида-я?!) Ҳар бир оила бошлиғи шахсан раис, яъни мен билан шартнома тузади. Тўғри, ҳисоб-китоб рақамимизда ҳозир бир тийин ҳам йўқ. Аммо... давлат бериб қолар.

— Хўжаликнинг ишчилардан қарзи қанча?

— Қарзи йўқ. Аксинча, одамлар биздан қарздор. Илгариги совхозлик давридан ҳар хил тўловлар бўйича 52 миллион сўм қарзимиз бор эди. Мана, ширкат бўлиб бу қарздан ҳам қутулдик.

— Қандай қилиб... Қўшимча даромадданми?

— Бе, йўғ-е, даромаддан бўлганда қутилармидик. Давлат воз кечди қарзлардан.

— Ширкат усулига ўтилгач, хўжаликда тахминан 700 киши ишсиз қолаётган экан, улар қаёққа боришади?

— Кўпларини томорқаси бор, — деди раис. — Пажалуста, деҳқон хўжалиги қилиб ишласин, кунини ўтказсин...

— Балки қўшимча иш жойлари очарсиз?

— Очганмиз. Оҳак цехимиз ишлаяпти. Хў-ўш, кийим цехимиз бор. Ғишт заводимиз хом ғишт чиқариб ётибди.

Хўжалик ҳудудида яшовчи аҳолининг маданий-маиший турмуш даражаси тўғрисида қизиққанимизда: — Э, бу бош масала-ку! Битта ҳаммомимиз бор. Яқинда ишлатмоқчимиз. Битта маданият саройимиз бор. Уни «хозрасчёт»га ўтказиб юборамиз, ҳозир ўз кунини ўзи кўрадиган замон. Тўртта боғча бюджетга ўтиб кетган, биздан холи бўлган. Еттита мактаб бор. Менга мактаб керак эмас. Пажалуста, улар ҳам ер осин, ишласин, кунини кўрсин...

Биз билан суҳбатга анча вақт ажратганлиги учун раисга раҳмат айтиб, бош иқтисодчи вазифасини бажарувчи Абдурашид Тайғомов билан суҳбатни давом эттирдик.

— Ўтган йили ғишт қуйиш цехидан хўжаликка қанча даромад келди?

— Ким айтди, цех ишлаган деб, раис айтмадиларми? Цех ишлагани йўқ. Кийим тикиш цехи ҳам ишламаяпти. Оҳак цехи ишлаяпти-ю, даромаддан дарак йўқ...

Иқтисодчи билан суҳбатимиздан маълум бўлдики, шу йил бошидан ширкатга ўтган пахтакор оилалар билан ҳалигача шартнома тузилмаган. Ғалла бўйича шартномалар ҳам чала ярим. Уларда харажат ва даромадлар тўғрисида бирорта рақам йўқ. Ҳатто ширкатчи оилалар туман ҳокимлигидан рўйхатга олинмаган. Бош иқтисодчи ўтган уч йилнинг иқтисодий кўрсаткичларини кўрсатиб беролмади. Кўп қоғозларни титкилаб қуйидаги маълумотларни айта олди: 1998 йилда пахта 67,48 фоизга, ғалла бўйича давлат режаси 106,70 фоизга бажарилган экан.

— Омборда бир грамм дон йўқ, — дейди раисдан ололмаган жавобларимизга иқтисодчи изоҳ бераркан. — Ўтган йили деҳқонлардан 27 миллион сўм қарзимиз бор экан, бухгалтер айтди...

Билдикки, бош иқтисодчи ҳам хўжалик иқтисодиётининг ҳақиқий аҳволидан хабарсиз, режалаштириш, иқтисодий таҳлиллардан анча йироқ. Суҳбат асносида ўтган йилларда деҳқончиликдаги қолоқликлар ва уларни бартараф этиш, ер унумдорлигининг пастлиги, техникалар сифатсизлиги ҳақида фикр билдирилмади. Ҳолбуки, ўтган йили кўплаб деҳқонлар ерларнинг мелиоратив аҳволи ёмонлашганидан панд ейишди. Масалан, хўжаликнинг Эргаш Имомов бошлиқ бригадаси 40 гектар ерга чигит экиб, давлатга бир мисқол ҳам пахта беролмаган. Миркомил Чўтбоев бошлиқ бригада эса 40 гектар ернинг ҳар гектаридан бор-йўғи юз килограммдан пахта ҳосили олган.

1998 йил 2 февралдаги «Мустақиллик» аудиторлик шўъба корхонасининг мутахассис-аудиторлари С. Бозоров, Ю. Ишмуродов, хўжалик тафтиш гуруҳининг раиси Т. Омонов ва бошқалар томонидан хўжалик меҳнаткашларининг Республика Прокурори ҳамда вилоят ҳокими номига ёзилган шикоят хати бўйича ўтказган текширувида анчамунча қаллобликлар очиб ташланди. Жумладан, 1996 йил пахта ҳосилидан хўжаликка келтирилган 95360 килограмм пахта ёғидан шахсан Гулбой Бўриевнинг рухсати билан 15393 килограмм ёки 1 миллион 193 минг 533 сўмлик маҳсулот хўжалик меҳнаткашларига эмас, балки ҳар хил ташкилот, корхона ва хусусий фирмаларга сотиб юборилган. Баъзи корхоналарга пахта ёғининг ҳар бир литри 50 сўмдан сотилса, баъзиларга 100 сўмдан сотилган. Бундан ташқари, хўжаликнинг бош ҳисобчиси Шайдулло Беккелдиев ҳам турли ташкилот ва хусусий корхоналарга бир миллион сўмга яқин пахта ёғини сотган, баъзан раиснинг ўрнига ҳам ўзи имзо чекиб юбораверган.

Хўжалик меҳнаткашлари йил бўйи тер тўкиб меҳнат қилсалару, уларнинг топган ризқ-насибалари ана шундай 3-4 олғирлар қўлида бўлса? Инсофсизликни қарангки, бошқа ташкилотларга сотилган пахта ёғи, жамоа аъзоларининг иш ҳақига тарқатилганига нисбатан ҳам паст нархларда «имтиёзли» сотилган.

Хўш, бу қайси мантиққа тўғри келади. Ана шунинг ўзи ўғирлик, инсофсизлик эмасми?!

1997 йил давомида чорва моллари учун олинган кунжара, шелуха каби маҳсулотлар ҳам талон-торож қилинган. Мисол учун хўжалик аъзоларига бор-йўғи 400 килограммгина шелуха озуқаси сотилган бўлса, нафақат хўжалик, балки туманга алоқаси йўқ жойларга, хусусан Бойсун туманининг «Бўрон» деҳқон-фермер хўжалигига 3 минг килограмм ва бошқа жойларга жами бўлиб 75400 килограмм шелухани раис Гулбой Бўриев сотган.

Ушбу текшириш хулосаларини кўздан кечирсангиз юқоридаги фактларни ҳолва дейсиз. Мисол учун 1997 йил октябрь ойида хўжаликнинг 13 бригада далаларига сув чиқариш учун ўрнатилган 62 дона 297,6 метрлик қувурларнинг бир кунда Музработ тумани «Янгиобод» жамоа хўжалигидаги Гулбой Бўриев яшайдиган қишлоққа олиб бориб ўрнатилганлиги ёки хўжаликнинг бошқа 200-300 минг сўмлик мулклари ҳам ҳеч қандай ҳужжатларсиз, бошқа ташкилотларга бериб юборилганлигига ўхшаш талон-торожликларни санасак, адоғига ета олмаймиз.

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Илҳом ОЛИМ,
журналист.

Тарихнинг уйғоқ нигоҳи

Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон каби кўҳна шаҳарлар билан тенгдош Кармана тарихнинг не-не сирларига гувоҳ. Мазкур шаҳарнинг узоқ ўтмишидан бизга мерос бўлган Қосим Шайх обидаси, Деггарон масжиди, Малик Работ дарвозаси, Сардоба ҳовузи уни жаҳонга кўз-кўз қилган ёдгорликлардир. Хўш, ана шу қадимий шаҳар қаердалигини биламизми? Унинг ёшини-чи?!..

Яқинда Навоий шаҳрида «Кармана ва унинг Ўрта Осиёда тутган ўрни» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда шу саволларга жавоб изланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Партия хабари

Фойдали мулоқот

Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир туман кенгаши бошланғич ва цех партия ташкилотлари котибларининг семинар-кенгашини ўтказди.

Семинар-кенгашда ички партия-хўжалик ишларининг аҳволи, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг аҳамияти, 1998 йилги қиёсий якунлар ва галдаги вазифалар атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзаро мулоқотда фикр-маслаҳат ва таклиф-тавсиялар, илғор иш тажрибалари билан ўртоқлашилди. Туман партия кенгашининг биринчи котиби О. Матниёзов бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини янада ошириш режалари ҳақида гапирди.

Ешимбет РЕЙИМБОЕВ



Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган. Хўжалик деҳқонларининг бу йилги шаҳди баланд. Жумладан, 680 тонна картошка, 4400 тонна сабзавот, 3500 тонна помидор, 1750 тонна мева тайёрлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, 7 гектар ерда 2000 тупдан зиёд терак ҳам ўстирилмоқда.

Суратларда: 1) тажрибали боғбон Боқижон Турғунов. 2) далада экиш ишлари қизғин. 3) ишчи Зулфия Мадаминова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

Ислоҳот ва масъулият

Иқтисодий самарадорлик ошмоқда

Қўлбола мойжувозларда олинган ёғнинг таркибини ҳеч кузатганмизми? Қорамтир чўкиндилар кўзга ташланади. Шу чўкиндилар инсон организмида бир неча хасталикларни келтириб чиқаришини биласизми? Шунинг учун ҳам мойжувозларда тайёрланган ёғларни сотиш, истеъмол қилиш қатъий таъқиқланмоқда. Хўш, унда давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ёғларнинг сифати қанақа? Умуман ишлаб чиқариш жараёни билан танишмизми? Шу мақсадда Каттақўрғон шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли ёғмой акциядорлик жамиятида бўлиб, у ердаги ўсимлик ёғи, хўжалик совуни ишлаб чиқариш, ҳамда корхонадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан танишдик.

Тайёрлов, исканжалаш, улкан қозонларда мағизни буғ билан қиздириб, кучли босим ёрдамида ёғни сиқиб чиқариш жараёнларини кўриб, ёғни ишлаб чиқариш осон иш эмаслигига ишонч ҳосил қиласан киши. Исканжалаш цехида чигит таркибидаги ёғнинг 65 фоизи олинади. Бу асосий истеъмол ёғи ҳисобланади. Ёғнинг қолган 35 фоизи техник ёғ ҳисобланиб, экстракция суюқлиги ёрдамида олинади.

— Ёғни тозалаш цехи кунига 110 тоннагача ёғни тозалаш қувватига эга. Ёғга махсус нейтрализаторларда каустик ишқорли сув пуркалиб, қўзғаб турилади ва 4-8 соат тиндирилади. Махсус ишловлардан кейингина тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади, — дейди тажрибали мутахассис Сония Гареева.

Хўжалик совуни ишлаб чиқариш цехи кунига 150 тоннагача совун тайёрлаши мумкин. Цех жамоаси кўрсатилган топшириқни бажариб келмоқда.

— Корхонамиз 1995 йилда давлат тасарруфидан чиқиб, акциядорлар жамиятига айланди, — деди биз билан суҳбатда жамият раиси Искандар Ишбеков. Унда 1100 ишчи, муҳандис-техник ходим 23 та цех ва бўлимларда уч сменада меҳнат қилади. Ўтган йили 84 минг 648 тонна пахта чигити, 26 минг тонна хориждан олиб келинган соя донини қайта ишлаб, 16 минг 308 тонна тозаланган ёғ ишлаб чиқардик. Бундан ташқари 10,5 минг тонна хўжалик совуни, 600 тонна қадоқланган ёғ, 900 минг тонна алиф тайёрлаб аҳолига сотдик. Бу ерда республикамизда биринчи марта 511 тонна масхар дони қайта ишланиб, 114 тонна масхар ёғи олишга муваффақ бўлинди.

Вилоятимизда масхар дони экиш, ер майдонларини кенгай[illegible] катта аҳамия[illegible]да. Масхар д[illegible]ириш аҳолига шифобахш ёғ етказиб беришда қўл келади. Жорий йилнинг январь-февраль ойидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари эътиборга лойиқдир: 3 минг тонна тозаланган ёғ, 1,8 минг тонна хўжалик совуни ишлаб чиқариб, ўтган йилга нисбатан анча баланд суръатларга эришилди.

Корхона 1998 йилни бир юз ўттиз уч миллион сўмлик соф фойда билан якунлади. Самарали меҳнат натижалари жамоа ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга ёрдам бермоқда. Иккита болалар боғчаси, ишчилар болалари оромгоҳи, соғломлаштириш мажмуи мавжуд. Бу масканларда барча хизматлар бепул ташкил қилинган. Ўттиздан зиёд фирма дўконларимиз бўлиб, савдо пуллари эвазига корхона ишчи-хизматчиларига ҳар ойда ойлик маош ўз вақтида берилади. 1997 йил молиявий натижа бўйича ҳар бир 100 сўмлик акцияга 147 сўмдан дивиденд тўланди, 1998 йил натижаси бўйича эса 280 сўмдан дивиденд тўғри келади.

Корхона чет эллик ҳамкорлар билан алоқани кенг йўлга қўймоқда. Бир неча йилдан буён хориждан соя дони олиб келиниб, қайта ишлаб ёғ чиқарилар эди. Бу йил 4000 тонна соя кунжарасини Эронга, Россияга тоннасини 180 доллардан экспорт қилмоқдамиз. Бундан ташқари Олмониянинг «Лурги» фирмаси билан ҳамкорликда ёғни юмшоқ пластмасса идишларига қадоқлаш цехи, техник ёғни дезодорация қилиб, истеъмол ёғига айлантириш цехини қуриш ниятларимиз бор.

Корхонанинг иноқ жамоасида 17 миллат вакили меҳнат қилади. Жамоада муҳит яхши, жамоа аъзолари иноқ бўлиб ишлашади.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу камчиликларни йўқотиб, қийинчиликларни енгиш, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш устида бизлар, барча раҳбар, муҳандис-техник ходимлар курашиб келаяпмиз, — деб сўзини тугатди бошқарув раиси И. Ишбеков.

Корхонада 20-30 йиллаб ишлаган Носир Воҳидов, Қўчқор Ҳамроев, Абдулла Сафаров, Эркин Сувонов, Иван Черниенко, Райин Шабанов, Альфия Раупова, Флора Юсупова, Абульбер Бекировлар каби тажрибаси катта инсонлар билан бирга ёш мутахассисларга катта эътибор берилаётганлигини сездик.

Бир сўз билан айтганда, корхонада ижтимоий мезонлар устуворлиги иқтисодий самарадорликнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Ишни бундай ташкил қилиш эса, аввало бозор, қолаверса иқтисодий ислоҳотларимизнинг талабидир.

Эркатош ШУКУРОВА,
Бобомурод РАЙИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Янги жамғарма

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари моддий таъминотини яхшилаш, иқтидорли ёшлар ва фидойи ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Касб-ҳунар» жамғармасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. «Муборакнефтгаз», «Шўртаннефтгаз» бошқармалари, «Ўзбурғунефтгаз» ҳиссадорлик компанияси, Муборак газни қайта ишлаш, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси, Қарши ёғ-экстракция заводлари, Қарши темир йўл бўлими, «Қашқадарёавтойўл» ҳиссадорлик жамияти каби ўндан ортиқ ташкилот ва корхоналар жамғарма таъсисчиси бўлишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Урганч аэропорти замонавийлашади

Мустақилликнинг илк дақиқасидан бошлабоқ унинг имкониятлари нечоғли улкан эканлигини ҳис қилиб яшай бошладик. 1998 йил 29 июль куни Ўзбекистон тарихида яна бир юксалиш саҳифаси очилган эди. Ўша куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро тендер ғолиби «Лэнг—Аларко—Марубени», Консорциум яъни Британиянинг Лэнг, Туркиянинг Аларко ва Япониянинг Марубени компаниялари билан ўзаро битим имзолаган эди. Мазкур битимга мувофиқ ватанимизнинг қадимий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ҳамда Урганчда мавжуд аэропортларни жаҳон илғор технологияси асосида жиҳозлаш, мамлакатимизга ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонларни халқаро андозалар даражасида қабул қилиш, юксак маданий хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини қуришга келишилган эди. Бугунга келиб қўналга майдонларини таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек бажарилди.

Урганч аэропортида қурилиши мўлжалланаётган, хорижлик ва маҳаллий йўловчиларга энг замонавий, халқаро миқёсда хизмат кўрсатишга мос техник мосламалар билан жиҳозланувчи янги бинонинг биринчи ғиштини қўйиш маросимида тўпланганларнинг қувончи чексиз эди. Неча асрлар шуҳрати бағрида жамлаган қадим ва навқирон Хоразм буюк аждодларимиз меросини ўзида мужассам этган, уста нақкошу тош йўнувчи, ганчкору ўймакор, моҳир ҳунармандлар юрти Ўзбекистоннинг жондек бўлаги Хивадаги асори-атиқалар киши ақлини лол қолдирадиган даражада гўзал ва бежирим бунёд этилган. Агар халқаро аэропорт ишга туширилса Хоразм Самарқанд ва Бухоро каби сайёҳлар юрти бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Қонун бундай дейди, ҳоким ундай...»

Газетанинг 1999 йил 16 февраль сонида эълон қилинган «Қонун бундай дейди, ҳоким ундай...» сарлавҳали танқидий мақола Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам мақолада номлари кўрсатиб ўтилган туман ҳокимларининг қарорлари ва уларнинг айрим бандлари қўрилаётган масала қонуний томондан ўрганиб чиқилмасдан тайёрлангани, шошма-шошарликка йўл қўйилганлиги сабабли тегишли прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинган.

Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги учун вилоят ҳокимлигида шаҳар, туман ҳокимлари, ҳокимликларнинг шу масалалар билан шуғулланувчи масъул ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда тегишли ҳокимларга йўл қўйилган хато ва камчиликлари кўрсатиб ўтилди.

Бундан буён қабул қилинаётган қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг қонун талабларига мос равишда тайёрланиши, жойларда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Ф. АШУРОВ,
Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги **Бахтиёр Алимович ОРИФЖОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Турналар пастлаб учди

Рисқул ака турналарнинг қаг-қуғидан уйғониб кетди. Ўзи фермерлик қилаётган далаларга турналар галаси қўнибди. Ҳай, бу яхшилик, турна пастлаб учдими, деҳқоннинг даласига қўндими, мўл-кўлчилик бўлади, деяверинг! Яхши кунлар келаётганидан башорат бу!

Шу куни Рисқул ака ажиб кайфият билан уйдан чиқди. Чигит экилаётган далалари кўзига олтиндай бўлиб кўринди. Ҳа, Ўзбекистонимизнинг тупроғи олтин-да! Шу тупроқда туғилган одам хор бўлмайди. Бу тупроқда меҳнат қилса ҳамма нарсани ундириш мумкин. Шоирларимиз айтганидай, бу тупроқ гуллайди, фақат уни гуллатадиган Рисқул акадай деҳқонлар керак.

Рисқул ака 62 баҳорни кутиб олаяпти. Унинг ажин тушган юзлари, чайир билаклари, миқти қомати ҳали мустақил Ўзбекистон учун кўп хизмат қилишидан далолат. У Жиззах туманидаги Мирзо Бобур номли ширкат хўжалигида 39 йил меҳнат қилди. Бундан икки йил муқаддам нафақага чиқди. Лекин уйида тинч ўтиролмади. Атрофда шунча гаплар бўлаяпти-ю, тинч ўтира оладими, киши?! Президентимиз ёш-қарига меҳнат қилиш, ижод қилиш учун шароит яратиб бераётган, кафолатлаб қўяётган пайтда, ахир уйда ўтириш мумкин эмас-да! Битта кўчат ўтқазасанку, ҳеч бўлмаса, кучинг етмаса болаларингга, ёшларга насиҳат берасан-ку, ахир!

Рисқул ака Тангиров сингари далаларига турна қўнаётган фермерлар Жиззах туманида жуда кўп. Улар ўтган йили қарийб туманнинг 40 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бердилар. Бу йил 12 минг тонна пахта, 7 минг 200 тонна ғалла ва бошқа ўнлаб тур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун баракали меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳақида гап кетганда хатнинг биринчи бошида Рисқул ака Тангиров тилга олинади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Банкнинг йиллик ҳисоботи

Ихтисослаштирилган банклардан бири — «Савдогарбанк» акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Банк Кенгашининг раиси Мираброр Усмонов олиб борди.

Банк раҳбарияти ҳар йили ўз акциядорлари олдида ҳисобот беради. Акциядорларга банкнинг 1998 йилги якуний фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этилди. Унга кўра ўтган йил давомида банкнинг Низом капитали 2,5 баробар, валюта баланси 1,7 баробар, мижозлар сони 2 баробар ошди.

Банк «Ўзенгилсаноат» банки билан қўшилди. Янги кредитлаш сиёсати ишлаб чиқилди ва бу борада ижобий натижаларга эришилди. «Кафолатли даромад», «Мўътабар аёл» каби равнақли омонат турлари жорий этилди.

Кун тартибига киритилган бухгалтерия баланси, фойда ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот, тафтиш ҳайъати ҳисоботи ва бошқа масалалар кўриб чиқилди ҳамда улар бўйича акциядорларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдулла ПЎЛАТОВ

«Жар»да спорт байрами бўлади

Мухлислар ўзбекона курашнинг жаҳоний мақом олганидан беҳад хурсанд. Айни пайтда улар ўнлаб мамлакатлар эътироф этиб турган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтказилаётганидан ҳам мамнуният ҳосил қилмоқдалар. Мусобақалар ўтказиладиган «Жар» спорт мажмуи ҳар жиҳатдан байрамона безатилмоқда. Қизғин беллашувлар уюштириладиган кураш гиламлари жаҳон андозаларига мос бўлиши таъминланмоқда. 1-3 май кунлари бўлиб ўтадиган бу мусобақага жаҳоннинг қарийб 50 мамлакатидан полвонлар келадиган бўлиб турибди. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилишида ана шулар ҳақида ахборот берилди. Бу ҳақда Республика спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов сўзлади. Маълум бўлишича, ташкилий масалалар асосан якунланган. Хусусан, меҳмонларни кутиб олиш ва жойлаштириш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаблар даражасида бўлади. Курашчилар ва ғолибларга турли совғалар, рамзлар ва мукофотлар тайёрланмоқда. «Совпластитал» қўшма корхонасида тайёрланаётган мусобақа рамзи туширилган лаганлар ўзига хос совға бўлиб қолади. Бир сўз билан айтганда, мусобақа спорт байрамига айланади. Йиғилишни республика Бош вазирининг ўринбосари, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси Ҳ. Караматов бошқарди.

Тўпурарлар сардори

Кеча биринчи лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 5-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Маълумки, ўринбосарлар ўртасида «Косонсой» 10 та очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Семурғ» ҳисобида 9 та очко бор. 24 апрелда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги саралаш учрашувни сафарда Туркманистон футболчилари билан ўтказади. 30 апрель куни эса олий лига жамоалари чемпионатнинг 7-тур ўйинларида куч синашадилар. Бу орада Ўзбекистон кубоги учун курашнинг иккинчи босқич баҳслари бўлиб ўтади. Олий лига жамоалари ўртасида тўпурарлар рўйхатини куни кеча дарвозаларга киритган тўпларини 6 тага етказиб, мамлакат чемпионатларидаги умумий ҳисобини 100 та қилиб олган «Самарқанд» ҳужумчиси Равшан Бозоров бошқармоқда.

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОТАЖ акциядорларининг V умумий йиғилишини ўтказиш муносабати билан қуйидаги маълумотларни эълон қилади:

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОТАЖнинг 1 январь 1999 йил ҳолатига баланси (минг сўм).

№	Баланс активи		№	Баланс пассиви	
1	Асосий воситалар эскириш қийматисиз	53776	1	Устав капитал	93619
2	Ишлаб чиқариш заҳиралари	140336	2	Ўтган йиллар йиғилган капитал	70960
3	Пул маблағлари	11048	3	Қисқа муддатли қарзлар	2000
4	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	511	4	Кредиторлар	164252
5	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	8058	5	Ҳисобот давр фойдаси	24797
6	Дебиторлар	140802			
7	Келгуси давр харажатлари	1107			
	Баланс	355628		Баланс	355628

1998 йилги молиявий натижалар (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	Сумма
1	Бажарилган қурилиш-монтаж ишларидан ва бошқа хизматлардан тушган тушум.	1243344
2	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари	55524
3.	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари	69770
4	Ҳисобот давридаги соф фойда	24797

Йиллик баланс «Джунарус-аудит» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган. Лицензия № 223 27.11.96 йил берилган

Кузатув Кенгаши

Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, маданият, ҳуқуқ муассасалари, савдо ташкилотлари ва фирмалари раҳбарлари, шунингдек барча юридик ҳамда жисмоний шахслар диққатига!

«ИШОНЧ-М»
очиқ турдаги акционерлик жамияти
(собиқ «Ўзбеккинодеталзаводи»)
ўзининг ва буюртмачининг хомашёсидан қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаб беради ва сотади:

- *креслолар — томошахоналар, мажлис, йиғилиш заллари учун:*
- *стуллар (темир оёқли) — ошхоналар, синф ва хоналар учун;*
- *айланма креслолар — раҳбарлар ва ходимлар учун;*
- *банкеткалар — фойе, вестибюль ва жамоа учун;*
- *кушеткалар — тиббиёт идоралари учун;*
- *темир эшиклар, ҳар хил панжаралар;*
- *автомашина ўриндиқлари учун чехоллар;*
- *француз пардалари, портьерлар, ломбрикенлари ва бошқа тикув маҳсулотлари.*

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 35-уй. Телефон: 55-99-01, 55-99-80, 55-88-57.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида жойлашган «SHOIS» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 132-08-69 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган М.Ч.Ж. «Тэхат» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 56-92-46 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

SPORT

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Шукур ЖАББОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида. А—2 форматда. 24.045 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0265

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.25
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

МИЛЛИЙ БАНК ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ТАЙЁР:

- *барча турдаги ҳисоб-китоб операциялари;*
- *миллий ва хорижий валюталарда кредитлаш;*
- *конверсия операциялари;*
- *шахсий сейф қутиларини ижарага бериш;*
- *қимматли қоғозлар билан ишлаш;*
- *траст операциялари;*
- *пластик карточкалар орқали фойдаланиладиган ҳисоб варақалар очиш (Миллий банкнинг VIZA, сўм карточкалари);*

МИЖОЗЛАРИМИЗ БИЗ КЎРСАТАДИГАН БЕПУЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН:

- *миллий ва хорижий валютада омонатлар очиш;*
- *"талаб қилиб олингунча" депозит ҳисоб варақалари очиш;*
- *маслаҳатлар бериш;*
- *инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини тузиш ва таҳлил қилиш.*

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ
Г. Гулом к., 1. тел: 144-82-20, 144-82-05

МИРОБОД ФИЛИАЛИ
Банокатий к. 165. Тел: 93-08-35

АКМАЛ ИКРОМОВ ФИЛИАЛИ
Фарход к. 54. Тел: 74-08-93

ЯККАСАРОЙ ФИЛИАЛИ
Бобур к., 85. Тел: 50-94-97

ШАЙХОНТОҲУР ФИЛИАЛИ
"Эски жўва" бозори майдони. Тел: 49-46-86

БЕКТЕМИР ФИЛИАЛИ
Х. Байқаро к. 15. Тел: 195-07-14

ЮНУСОБОД ФИЛИАЛИ
Юнусобод маҳалласи 11 даҳа, 32. Тел: 125-06-76

СИРҒАЛИ ФИЛИАЛИ
Сирғали-6. Тел: 51-68-67

МИРЗО УЛУҒБЕК ФИЛИАЛИ
Пушкин к., 66. Тел: 68-02-42

ҲАМЗА ФИЛИАЛИ
Эл-бек к., 28. Тел: 96-48-23

ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ
Халқлар дўстлиги ш. к., 28. Тел: 76-36-91

СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ
Калинов к. 54. Тел: 294-[illegible]

ОПЕРАЦИЯЛАР ҲАР КУНИ 16.30 ГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

БИЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ ТОПШИРИҚЛАРИ ИШОНЧЛИ, СИФАТЛИ ВА ТЕЗ БАЖАРИЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ

БАНКИМИЗНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ ВА КЕНГ ДОИРАДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

МИЛЛИЙ БАНК — СИЗНИНГ БАНКИНГИЗ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55